

Етти нарса

23:10 / 24.01.2018 3379

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Етти нарса (келишидан олдин) яхши амалларни қилиб қолишга шошилишлар. Бунда сизлар қуйидаги нарсаларни кутасизлар, холос: 1) Камбағаллик - бу ҳамма нарсани унуттириб юборади. 2) Бойлик - туғёнга кетишликка сабабчидир. 3) Беморлик - барча нарсани фасод қилади. 4) Қариллик - ҳамма нарсани хотирдан чиқариб юборади. 5) Ўлим - тамом қилиб тезлатувчи. 6) Дажжол - кутилаётган ғоиб нарсаларнинг энг ёмони. 7) Қиёмат - фалокатларнинг энг оғири ва аччиғидир», дедилар.

(Изоҳ: Инсон мана шу етти нарса келмасидан олдин вақтни ғанимат билиб, охират учун тайёргарлигини қилиб қўймоғи лозим.)

Имом Термизий ривоятлари.